

«Ўзбекгеофизика» АЖнинг  
2022 йил 31 август кунидаги  
117 - сон бўйруғига  
7-ицова

**“ЎЗБЕКГЕОФИЗИКА”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
“КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА  
КОМПЛАЕНС НАЗОРАТИ” БЎЛИМИ ТЎГРИСИДА  
НИЗОМ**

## I. Умумий қоидалар

“Ўзбекгеофизика” АЖ “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими тўғрисидаги ушбу Низом “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими (бундан буён матнда – Бўлим) фаолиятини тартибга солади.

1.2. Бўлим “Ўзбекгеофизика” акциядорлик жамиятининг (бундан буён матнда - Жамият) таркибий бўлинмаси бўлиб, Жамиятнинг тасдиқланган тузилмасига мувофиқ бевосита Бошқарув Раисига (кузатув кенгашига) бўйсинади.

1.3. Бўлим қуидаги ҳолларда Жамият Бошқарув раисини четлаб ўтиб, Жамият Кузатув Кенгашига бевосита алоқа қилиш ҳуқуқига эга:

Бошқарув раисининг Жамиятда коррупцияга қарши тизимни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш чораларини кўрмаса (шу жумладан коррупцияга қарши чоралар учун ресурслар ажратишдан асоссиз бош тортиши);

Бошқарув раиси Жамиятнинг “Коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати”, Жамиятнинг коррупцияга қарши ёки амалдаги коррупцияга қарши қонунчилик тартиб-қоидаларини бузганлик учун чора кўрмаса;

Бошқарув раиси томонидан Жамиятнинг “Коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати” ва тартиб-қоидалари ёки амалдаги коррупцияга қарши қонунчиликни бузса.

1.4. Бўлимнинг ташкилий шакли Жамият Бошқарув раисининг буйруғи билан тасдиқланган Жамият штат жадвали билан белгиланади. Бўлим асосий ходимлари 2 (икки) штат бирликларидан иборат.

1.5. Бўлим ўз фаолиятида бевосита Жамиятнинг Бошқарув раисига (кузатув кенгашига) буйсунади. Бўлим бошлиғи ўтказиладиган очиқ танлов асосида Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (бундан буён – Қўмита) ва/ёки Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (бундан буён – Агентлик) билан келишилган ҳолда ишга қабул қилинади.

Бўлим бошлиғи лавозимига тайинлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ва лавозимдан озод қилиш “Ўзбекгеофизика” АЖ Бошқарув раисининг буйруғи билан амалга оширилади.

1.6. Бўлим бошлиғи лавозимидан озод этиш масаласи Қўмита ва/ёки Агентлик билан келишилади. Бунда, Жамият томонидан Қўмита ва/ёки Агентликка Жамият Бошқарув раисининг Бўлим бошлигини лавозимидан озод этиш ҳақидаги тақдимномаси берилади. Ушбу тақдимномада Бўлим бошлигини лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари кўрсатилади. Тақдимномага бўлим бошлигини лавозимидан озод этиш сабаблари ва мотивларини тасдиқловчи ҳужжатлар (масалан, ходимнинг аризаси, ички меҳнат тартиби қоидаларини бузганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва бошқа шу каби ҳужжатлар) илова қилинади. Қўмита ва/ёки Агентлик томонидан бўлим бошлиғи лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари етарли эмас деб ҳисобланса, шу жумладан бўлим бошлиғи таъқиб қилинаётганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлса, ушбу масалада бўлим бошлиғи билан сухбат ўтказилиши мумкин.

Қуидагилар бўлим бошлиғининг лавозимиidan озод этишни келишишни рад этиш учун асос бўлади:

Бўлим бошлиғи лавозимидан озод этиш учун сабаблар етарли эмас деб

топилганда;

бўлим бошлиғининг зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятлар доирасидан ташқари вазифаларни бажармаганлиги ёки ўзига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажарганлиги учун таъқиб қилингандиги ҳолати аниқланганда;

Тақдим этилган хужжатлар Кўмита ва/ёки Агентлик томонидан 3 (уч) иш куни ичида кўриб чиқилиб, Жамиятга бўлим бошлиғининг лавозимидан озод этишни келишиш ёки келишишнинг рад этилганлиги сабаблари кўрсатилган хат тақдим этилади.

1.7. Бўлим ходимлари Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси “Ички назорат” Бошқармаси бошлиғи билан келишилган ҳолда бўлим бошлиғининг тавсиясига биноан ўтказиладиган очиқ танлов асосида Жамият Бошқарув раиси буйруғи билан лавозимга тайинланади.

Бўлим ходимлари Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси “Ички назорат” Бошқармаси бошлиғи ва бўлим раҳбари билан келишилган ҳолда, Жамият Бошқарув раисининг буйруғи билан лавозимидан озод этилади.

Бўлим фаолияти Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятида коррупцияга қарши Комплаенс тизимини жорий этиш бўйича услубий ва тезкор йўл-йўриқ кўрсатишга, шунингдек, коррупцияга қарши чора-тадбирлар бажарилишини мониторинг ва назорат қилишга қаратилган.

1.8. Бўлим ўз фаолиятида қўйидагиларга амал қиласди:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги қонунчилиги;

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланган Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий Низоми;

Жамиятнинг Устави;

акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият Кузатув Қенгаши қарорлари;

“Жамоавий шартнома” ва Жамиятнинг “Одоб-аҳлоқ” Кодекси;

ушбу Низом ва бўлим ходимларининг лавозим йўриқномалари;

ички меҳнат тартиб-қоидалари қоидалари;

Жамиятнинг қарорлари, буйруқлари, фармойишлари, кўрсатмалари ва бошқа ички хужжатлари.

1.9. Бўлим ўз фаолиятини, юклатилган функционал вазифаларнинг бажаришда “Ўзбекгеофизика” АЖ ва унинг таркибий бўлинмалари, бошқа органлар, давлат идоралари ҳамда кенг жамоатчилика суюнган ҳолда амалга оширади.

1.10. Бўлим етарли даражада моддий ресурслар билан таъминланиши, унга тайинланган шахслар тегишли билим ва кўникма, ваколатта эга, ҳамда ўз харакатларида мустақил бўлишлари керак.

## II. Бўлим тузилмаси

2.1. Бўлимнинг тузилмаси ва штат микдори “Ўзбекгеофизика” АЖнинг устав фондида 96,82% улушга эга акциядорларининг (давлат вакиллари) 29.06.2021 йилдаги умумий йиғилиш Қарорига мувофиқ тасдиқланган.

2.2. Бўлим ходимлари бевосита бўлим бошлиғига бўйсунадилар ва унинг йўқлигига (таътил, бўлим сафари, касаллик ва бошқалар) вазифаларини

белгиланган тартибда тайинланган бўлим ходими бажаради. Бўлим бошлиғи бўлим ходимлари ўртасида мажбуриятларни тақсимлайди.

2.3. Бўлим бошлиғи ва ходимларининг лавозим йўриқномалари Жамият Бошқаруви раиси томонидан тасдиқланади. Бўлимнинг ҳар бир ходими ушбу Низом ва Лавозим йўриқномаси билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси ва Жамиятнинг ички хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда танишиши керак.

2.4. Бўлим бошлиғи ва бўлим ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш учун етарли билим, тажриба ва малакага, бенуқсон обрўга эга бўлиши ва Жамият бошқарув органларининг ишончидан баҳраманд бўлиши керак.

Бўлим раҳбари номзодлигига қўйиладиган талаблар

2.5. Бўлим бошлиғи лавозими олий юридик ёки иқтисодий маълумотга эга бўлган шахсга берилади (бундай бўлмаса - бошқа олий таълим), Комплаенс ва/ёки хавф-хатарларни бошқариш, ички назорат ва/ёки ички аудит, хуқуқ ва/ёки иқтисодий хавфсизлик соҳасида камидан 5 йил иш тажрибасига эга, бир жамоада ишлаш ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бўлим бошлиғи ўз вазифаларини бажариш учун қуидагиларни билиши лозим:

- “Ўзбекгеофизика” АЖ тузилмасини;
- Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларида коррупцияга карши сиёsatни амалга оширишга доир қонун ва қонуности меъёрий хужжатларини;
- коррупцияга қарши курашиш тизимининг талабларини (ISO 37001:2016);**
- углеводородли минерал-хом ашё базаси тўғрисида тушунчага эга бўлиш;**
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари, саноат хавфсизлиги, саноат санитарияси ва ёнгин хавфсизлиги қоидалари, нормалари, ички меҳнат тартиб қоидаларини;
- қўлланмалар, юқори турувчи идоралар томонидан соҳада фойдаланиши учун ишлаб чиқилган қоидаларни;
- иқтисодиёт, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат ва менежмент;
- меҳнат қонунчилиги асослари;
- ўзбек ва рус тилларини.

2.6. Бўлим бошлиғи ўз малакасини ва бўлим ходимларининг малакасини мунтazzam ошириб бориш ҳақида ғамхўрлик қилиши шарт.

2.7. Бўлимнинг иш режаси Жамият Бошқарув раиси билан келишиб олиниади.

Бўлим етакчи мутахассиси номзодлигига қўйиладиган талаблар

2.8. Бўлим етакчи мутахассиси лавозими олий юридик ёки иқтисодий маълумотга эга бўлган шахсга берилади (бундай бўлмаса - бошқа олий таълим), Комплаенс ва/ёки хавф-хатарларни бошқариш, ички назорат ва/ёки ички аудит, хуқуқ ва/ёки иқтисодий хавфсизлик соҳасида камидан 3 йил иш тажрибасига эга, бир жамоада ишлаш ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бўлим ходими ўз вазифаларини бажариш учун қўйидагиларни билиши лозим:

- “Ўзбекгеофизика” АЖ тузилмасини;
- Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларида коррупцияга карши сиёсатни амалга оширишга доир қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларини;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари, саноат хавфсизлиги, саноат санитарияси ва ёнгин хавфсизлиги қоидалари, нормалари, ички меҳнат тартиб қоидаларини;
- қўлланмалар, юқори турувчи идоралар томонидан соҳада фойдаланиши учун ишлаб чиқилган қоидаларни;
- иқтисодиёт, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат ва менежмент;
- меҳнат қонунчилиги асослари.
- ўзбек ва рус тилларини.

2.6. Бўлим етакчи мутахассиси ўз малакасини мунтаззам ошириб бориш хақида ғамхўрлик қилиши шарт.

2.7. Бўлим етакчи мутахассисининг иш фаолияти Бўлим иш режаларига мувофиқ ташкил қилинади.

### **III. Бўлимнинг асосий мақсади, вазифа ва функциялари**

#### **3.1. Бўлимнинг асосий мақсади:**

Жамиятда, шунингдек, унинг таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни, хусусан коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, Жамият ва унинг такрибий бўлинмалари ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳукуқий онги ва маданиятини ошириш, Жамиятда коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

#### **3.2. Бўлимнинг асосий вазифалари:**

Жамиятда коррупцияга қарши тизимни яратиш, тартиба солиш ва такомиллаштириш;

Жамиятда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

ички текширувлар ўтказиш ва жамиятдаги коррупциоген ҳаракатларига ўз вақтида жавоб бериш;

жамият таркибий бўлинмалари билан коррупцияга қарши ҳамкорлик қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

3.3. Ўзига юкландган вазифаларни бажариш учун Бўлим қўйидаги функцияларни бажаради:

3.3.1. Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш соҳасида:

Жамиятда коррупцияга қарши чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички меъёрий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

Жамиятда коррупцияга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади (шу жумладан бир йил, шунингдек узок муддатга) ва уни Бошқарув раисига тасдиқлаш учун тақдим этади;

коррупцион хавф-хатарларни баҳолашни ўтказади, унинг натижалари асосида зарур ҳолларда аниқланган хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

коррупцияга қарши қонун хужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш, Жамият обрўсига путур етказувчи хавфларни камайтириш, шунингдек, коррупцияга қарши тизим яратиш билан боғлиқ назорат тартибларини ва ички меъёрий хужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

Жамиятнинг коррупцияга қарши сиёсати ва амалга оширлаётган чора-тадбирлари амалдаги коррупцияга қарши қонун хужжатларга мослиги бўйича баҳо беради ва улар (чоралар)нинг етарлиги, мутаносиблиги ва долзарбилиги бўйича хулоса беради;

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни Жамият раисига, Давлат геология ва минерела ресурслар қўмитаси “Ички назорат” Бошқармасига ва/ёки Агентликка киритиб боради;

Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларида белгиланган даражада ва тартибда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш жараённида иштирок этади ҳамда Жамият манфаатлари тўқнашуви ҳолатлари рўйхатини тузади;

Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларида белгиланган тартибда ишга номзодлар ва контрагентларнинг ишончлилигини текшириш жараённида иштирок этади;

Жамиятнинг жорий операцияларини Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларига мувофиқ тасдиқлайди;

коррупцияга қарши масалалар бўйича Жамият ходимларига тушунтириш ва тавсиялар беради;

Жамият фаолиятида коррупция ҳолатлари ва хатарларини аниқлаш мақсадида Жамият ходимлари ва контрагентлар ўртасида сўровномалар ўтказади;

коррупцияга қарши стандартлар ва талаблар бўйича ўқитиш, Жамият ходимлари учун ўқув режаларини тайёрлашда иштирок этади;

Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларида белгиланган тартибда Жамият ходимлари учун коррупцияга қарши масалалар бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқади ва тренинглар ўтказади;

Жамият ходимлари орасида коррупцияга қарши тарғибот ва ташвиқот ишларида иштирок этади;

Жамият томонидан коррупцияга қарши кураш доирасида ташқи тадбирларни ўтказишни режалаштириш ва ўтказишда, шунингдек ушбу тадбир доирасида материалларни тайёрлашда иштирок этади;

Жамиятнинг расмий веб-сайтида “Коррупцияга қарши кураш” бўлимида жойлаштирилган маълумотларни тўлдириш ва янгилашни таъминлайди;

Жамиятда содир этилган коррупцион ҳукуқбузарликлар ҳолати ва тенденсиялари тўғрисида маълумот тўплайди ва шу каби ҳукуқбузарликлар Жамият ижро органи ходимлари томонидан содир этиш эҳтимолини баҳолайди.

**3.3.2. Жамиятда коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш соҳасида:**

Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолайди, уларнинг натижалари бўйича аниқланган хавф-хатарларни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқади ва Жамиятда коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини яратади;

Жамият томонидан ўхшаш ҳукуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолини баҳолаш мақсадида давлат ҳокимиятининг бошқа органларида коррупциявий ҳукуқбузарликлар содир этилишининг ҳолати ва йўналишлари ҳақида маълумот тўплайди;

махсус ахборот алоқа каналлари орқали Жамият ходимлари томонидан коррупциявий хавф-хатарлар ва ҳукуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қиласида ва уларни белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлайди;

жамиятда юритиладиган бўлим текширувлари реестри ёки ўтказилган бўлим текширувларини рўйхатга оладиган бошқа тегишли ҳужжатда коррупция фактларига доир бўлим текширувлари бўйича маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ акс эттириб борилишини назорат қиласида;

давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини таҳлил қилишда ва Жамият билан шартномавий муносабатларга (мехнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсларнинг ишончлилигини текшириш жараёнида иштирок этади;

жамият ходимларига коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тушунтириш ва тавсиялар беради;

коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган махсус ахборот алоқа каналларининг фаолият натижаларини таҳлил қиласида ва таҳлилий материалларни Жамият Бошқаруви раисига ва ходимларига етказади;

жамият фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни ва хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида аҳоли ва ходимлар орасида сўровлар ўтказади;

коррупцияга қарши курашишга оид талаб ва нормаларнинг бузилиши масалалари бўйича интизомий жавобгарликка тортилаётган шахсларга жазо чораларининг мутаносиблиги ва етарлилигини назорат қиласида;

коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Жамиятда коррупция фактлари юзасидан ўтказилган Бўлим текширувлари натижалари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қиласида;

ҳар чоракда Жамият Бошқарув раисига Жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда коррупциявий ҳолат ҳақида маълумот тақдим этади;

жамиятда ўрнатилган назорат тартиб-қоидаларига риоя этилишини мунтазам равишда текширади, Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ коррупция хавфи юқори бўлган соҳаларда операциялар ва тўловларни назорат қиласида;

коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ички меъёрий ҳужжатлари асосида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этилишини назорат қиласди;

жамиятнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши тренинг ўтказилишини ва уларнинг ўқув режасига мувофиқ иштирок этишини назорат қиласди;

жамият бошқарув аъзолари ва ходимлари хабардорлигини ошириш мақсадида улар эътиборига коррупцион хавф-хатарлар тўғрисидаги таҳлилий материаллар, шу жумладан ахборот коммуникация каналлари орқали олинган коррупцион фактлар натижалари ва таҳлилини маълумот тарзида тақдим этади;

ҳар чоракда ва зарур ҳолларда Жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Жамият Бошқарув раисига ҳисобот беради.

коррупцияга қарши давлат дастурлари доирасида Жамиятга юклатилган вазифаларнинг бажарилишини мониторинг ва назорат қиласди;

### **3.3.3. Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш соҳасида:**

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларида Жамиятга юклатилган вазифалар ижросини мониторинг қиласди ва назоратини амалга оширади;

Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO37001:2016 Коррупцияга қарши халқаро стандарти талабларига мослигини таъминлайди;

Жамият ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларининг коррупцияга қарши нормаларга оид қисмини ишлаб чиқиша иштирок этади;

Жамият ходимлари, шу жумладан коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлардаги ходимлар учун коррупцияни олдини олиш бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқади;

ўқув режага мувофиқ Жамиятнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тренингларнинг ўтказилишини ҳамда уларда ходимларнинг иштирок этишини назорат қиласди;

Жамият тизими ходимлари ва фуқаролар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирларида иштирок этади;

Жамиятнинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими ҳамда ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларига жойлаштирилган маълумотларни янгиланиб борилишини таъминлайди;

Жамият тизимидағи ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва ташкилотнинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қиласди;

Жамият тизимидағи коррупциявий хатти-харакатлар бўйича Бўлим текширувларини ўтказиш ташаббусини илгари суради ва унда иштирок этади;

одоб-аҳлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг холислиги ва мақбуллигини текширади;

амалга оширилган мониторинг, Бўлим текширувлари ва назорат тадбирлари натижалари бўйича коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилотлари билан ҳамкорликда коррупция холатларини олдини олиш ва ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

Жамият фаолияти унинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан мониторинг ўтказади.

3.3.4. Ички текширувлар ва Жамиятдаги коррупция ҳаракатларига ўз вақтида жавоб бериш доирасида:

Жамиятнинг ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда ва доирада “Ишонч телефони” ва Жамиятнинг бошқа алоқа каналлари орқали қабул қилинган коррупция хатарлари ва ҳуқуқбузарликлар бўйича шикоятларни таҳлил қиласида жавоб беради;

Жамиятдаги коррупцион амалиётлар бўйича ички текширувларни бошлаш ва ўтказишида иштирок этади;

коррупцияга қарши курашни янада такомиллаштириш мақсадида Жамиятдаги коррупция фактлари бўйича ўтказилган ички текширувлар натижалари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қиласида;

коррупцияга қарши талаблар ва нормаларни бузганлик учун интизомий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан жазоларнинг мутаносиблиги ва етарлилигини назорат қиласида;

Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши тизимнинг ишлашини назорат қиласида;

3.3.5. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш соҳасида:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади;

қонунчилик ҳужжатлари билан Жамият зиммасига юклатилган коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларга мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юборади ва уларнинг сўровларига жавоб беришда иштирок этади;

коррупциявий хатти-ҳаракатларни бартараф қилиш ёки коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қиласида;

3.3.6. Бўлим қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, Жамият Бошқарув раиси ва Кузатув Кенгашининг топшириғига асосан ўз ваколати доирасидаги бошқа вазифа ва функцияларни бажариши мумкин.

3.3.7. Бўлим ва уларнинг ходимларига ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган функцияларнинг юклатилишига йўл қўйилмайди.

#### **IV. Бўлимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

“Ўзбекгеофизика” акциядорлик жамиятнинг  
“Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими тўғрисида  
**НИЗОМ**

4.1. Ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун белгиланган тартибда Бўлим қўйидаги хукуқларга эга:

Бўлим вазифаларини бажариш учун зарур бўлган Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларидан таҳлилий материаллар, хulosалар, бирламчи ва бошқа тасдиқловчи хужжатлар, ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича статистик ва бошқа маълумотларни талаб қилиш ва олиш;

Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларига мувофиқ Бўлим вазифаларини бажариш учун зарур бўлган хужжатлар ва маълумотларга, шу жумладан тижорат сирларига ёки бошқа қонун билан ҳимояланган маълумотларга эга бўлиш;

Текширишларни амалга ошириш, хужжатларни талаб қилиш, Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларидан ёзма тушунтиришлар олиш, шунингдек, бинолар, иншоатлар ва ускуналар кузатувдан ўтказиш, керакли хужжатлар нусхаларини қилиш ва текширувлар доирасидаги фактларни фото ва видео ёзувлар қилиш.

Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларига ўз фаолиятига оид ёзма кўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш;

Жамиятнинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш;

Жамият Бошқаруви раиси ва Кузатув Кенгашига Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Жамият Бошқарув раиси томонидан ташкилий-техник масаларни ҳал этиш ва расмий вазифаларини бажариш учун зарур бўлган хужжатларни расмийлаштиришни сўраш;

Бўлимнинг жавобгарлик соҳасига оид масалалар бўйича Кузатув Кенгашига бевосита мурожаат қилиш (ушбу Низомнинг 1.3-бандга асосан);

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар юзасидан республика вазирликлари ва идораларида, жамоат ва бошқа ташкилотларда Жамият вакили сифатида қатнашиш;

Бўлим қонун хужжатларига ва (ёки) Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга эга бўлиши мумкин.

4.2. Бўлим ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги мажбуриятларга эга:

ушбу Низом ва бошқа қонунчилик хужжатлари билан юклатилган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариш;

қонунчилик хужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

Жамият тизимида жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи орган, Агентлик ва бошқа хукуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ кодексининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги ҳолатлари юзасидан Жамият Бошқарув раисига маълумотномалар киритиш;

ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг биринчи ўн кунлигига коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чоратадбирлар тўғрисидаги чораклик ҳисботни Жамият раисига, Давлат геология ва

минерал ресурслар қўмитаси “Ички назорат” Бошқармасига ва/ёки Агентликга тақдим этиш;

Бўлим ходими қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Бўлим ходимлари коррупцияга қарши курашиш соҳасида фаолият юритувчи ходимларга мўлжалланган ўқув курслари ёки маҳсус семинар-тренингларда иштирок этади. Ўқув курслари ёки маҳсус семинар-тренинглар Жамият, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ёхуд Агентлик томонидан ташкил этилиши мумкин.

4.4. Бўлим фаолиятининг натижадорлиги Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлик ва мақсадли кўрсаткичларига эришиш натижаларига асосан баҳоланади.

4.5. Бўлим фаолиятининг мақсадли кўрсаткичлари Жамиятнинг Бошқарув раиси томонидан тасдиқланади.

Бўлим фаолияти самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан назорат Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси “Ички назорат” Бошқармаси ва/ёки Агентлик томонидан амалга оширилади.

Бўлим ходимлари қўйидагилар учун масъул:

- ўзига юклатилган вазифаларни тўғри ва самарали бажариш;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари ва меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини таъминлайди. Жумладан “Ўзбекгеофизика” АЖнинг “Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати”, “Одоб-ахлоқ кодекси”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш Сиёсати” ва “Совға бериш ва қабул қилиш Сиёсати”га тўлиқ амал қиласди;

- ушбу меъёрий ҳужжатлар талаблари ва уларда юклатилган мажбуриятларини бажаришни ўз зиммасига олиш ва келажакда бу талабларни бажармаганда жавобгар бўлишини англайди;

- ўз фаолияти давомида юридик ва жисмоний шахслар ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора олишдан воситачилик қилиш, улардан моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши, ташабbus кўрсатиш, рухсат ёки ваъда бермайди;

- иш жараёнида маълум бўлиб қолган хуқуқбузарликлар тўғрисида тегишли чоралар кўришни таъминлайди ва бошқа ходимларга намуна бўлади;

коррупцияга қарши кураш тизими Жамиятнинг ўз фаолиятидаги салбий оқибатларга олиб келадиган хуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш;

ўз расмий вазифаларини бажариш жараёнида маълум бўлган маҳфий маълумотларни ҳимоя қилиш режимига риоя қилиш;

Бўлим вазифалари доирасида Вазирлар Маҳкамаси, жамият бошқарув органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган ҳужжатлар, таклифлар ва саволлар лойиҳаларини юқори сифатда ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ-2881-сон Қарори ва

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон Қарори талаблари асосида ижро интизомини таъминлаш.

4.6. Бўлим ходимларининг ўз расмий вазифаларини бажармаганлиги ёки нотўғри бажарганлиги учун жавобгарлигининг тури ва миқдори Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига ва Жамиятнинг ички хужжатларига мувофиқ белгиланади.

## V. Якуний қоидалар

5.1. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор деб топилган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

5.2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июльдаги ПҚ-5177 – сон “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” Қарори ва Агентликнинг “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий Низоми”га мувофиқ ишлаб чиқилган.